*БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 52
21 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

## 1954 йил 1 Май муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро ҳамкорлик куни, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг қардошлик куни — 1 Май!

Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

2. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи!

3. Бутун дун'ё меҳнаткашлари! Агар халқлар тинчликни сақлаш ишини ўз қўлларига олсалар ва бу ишни қаттиқ туриб охиригача ҳимоя қилсалар, у вақтда тинчлик сақланади ва мустаҳкамланади! Тинчлик учун курашда халқларнинг бирлигини мустаҳкамлангиз, тинчлик тарафдорлари сафларини кўпайтирингиз ва жипслаштирингиз!

Яшасин халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик!

4. Герман милитаризмини қайта тиклашга қарши, агрессив ҳарбий гуруҳлар тузишга қарши курашда халқларнинг ҳамкорлиги мустаҳкамлансин!

Европадаги барча халқлар учун мустаҳкам тинчлик ва коллектив хавфсизлик ўрнатиш йўлида курашайлик!

5. Янги социалистик ҳаёт қураётган, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, халқнинг фаровонлигини узлуксиз ошириш учун муваффақиятли суратда курашаётган халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин ва мустаҳкамлансин халқ-демократик мамлакатлари блан Совет Иттифоқи ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

6. Мамлакатни социалистик асосда индустриялаш учун, халқ хўжалигини ва маданиятни юксалтириш учун, ўзининг халқ-демократик тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муваффақиятли суратда курашаётган улуғ хитой халқига қардошлик саломи!

Яшасин ва яшнасин тинчликни сақлаш ва барча мамлакатлар халқларининг хавфсизлигини та'минлашнинг қудратли таянчи — совет ва хитой халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлиги!

7. Узининг жонажон юртини интервентлардан ҳимоя қилиб сақлаб қолган, халқ хўжалигини тиклаш учун, тинчлик учун Кореяни демократик негизда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ-Демократик Республикаси қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

8. Ғарбий Германияни учинчи жаҳон уруши ўчоғига айлантиришдан иборат жиноий планларга қарши курашаётган Германия демократик кучларига салом!

Яшасин бирлашган тинчликсевар демократик Германия учун, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашнинг маҳкам таянчи — Германия Демократик Республикаси!

9. Миллий мустақиллик учун, ўз ватанининг демократик ривожланиши учун, япон милитаризмини қайта тиклашга ва Японияни империалистларнинг Узоқ Шарқдаги ҳарбий плацдармига айлантиришга қарши мардларча курашаётган япон халқига салом!

10. Империалистик зулмга қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

11. Яшасин Совет Иттифоқи, Англия ва Америка Қўшма Штатлари халқларининг халқаро кескинликни юмшатиш учун, урушнинг олдини олиш ва бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликни та'минлаш учун курашларидаги дўстлиги!

12. Яшасин Совет Иттифоқи халқлари блан Франция ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик!

13. Яшасин Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати — тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ўзгармас сиёсати, янги уруш таёрлашга ва бошлаб юборишга қарши, барча мамлакатлар ўртасида нормал муносабатлар ва амалий алоқаларни кучайтириш учун кураш сиёсати!

14. Совет Армияси ва Флотининг жангчилари! Узингизнинг ҳарбий ва сиёсий билимларингизни сабот блан оширингиз, ҳарбий маҳоратингизни мукаммаллаштирингиз, янги техникани ва қуролларни эгаллангиз!

Яшасин ва мустаҳкамлансин тинчликнинг ва Ватанимиз хавфсизлигининг посбони, ғалабалар блан шуҳрат қозонган Совет Қуролли Кучлари!

15. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида янада маҳкам жипслашайлик, куч ва ижодий ғайратимизни мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга сафарбар қилайлик!

Яшасин партия, ҳукумат ва халқнинг бузилмас бирлиги!

16. Яшасин совет тузумининг мустаҳкам негизи — ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

17. Яшасин мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик — кўпмиллатли социалистик давлат куч ва қудратининг манбаи!

18. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Партия ва ҳукуматнинг Совет давлати қудратини ва Ватанимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга, экономика ва маданиятни яна кучли суратда юксалтиришга, халқнинг фаровонлигини узлуксиз ошириб боришга қаратилган сиёсатини амалга ошириш учун курашингиз!

19. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақада янги муваффақиятларга эришингиз! Халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ва совет халқи фаровонлигини оширишнинг асоси бўлган юксак меҳнат унумига эришиш учун кенг халқ ҳаракатини авж олдирайлик!

20. Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ишлабчиқариш майдонлари ва ускуналардан, халқ хўжалигининг ҳамма резервларидан тўла фойдаланишга эришингиз! Фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилингиз! Маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

21. Кўмир саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Кўмир чиқаришни кўпайтирингиз, янги шахталарни тезроқ қурингиз! Ишлабчиқариш планларининг барча шахталар ва кўмир разрезлари томонидан бажарилишига эришингиз, техникадан фойдаланишни яхшилангиз, кўмирнинг таннархини камайтирингиз! Халқ хўжалигига кўпроқ кўмир берайлик!

22. Нефть саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Нефть чиқаришни ва нефть маҳсулотлари тайёрлашни ҳамма чоралар блан кўпайтириш учун курашингиз! Янги нефть конларини тезроқ ўзлаштирингиз ва нефть тозалаш заводлари қурингиз! Юқори сифатли нефть ва нефть маҳсулотларини кўпроқ берингиз!

23. Электр саноати ва радио саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Юқори сифатли электротехника ва радиотехника ускуналари, асбоблари ва аппаратлари, шунингдек аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжлари учун керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

24. Электростанцияларнинг ходимлари! Янги электр қувватларини тезроқ ишга туширингиз, ёқилғи харажатини камайтирингиз! Халқ хўжалигини ва аҳолининг маиший эҳтиёжларини электр қуввати блан та'минлайлик!

25. Совет металлурглари! Металлургия ва кон-руда корхоналарининг қувватларидан фойдаланишни яхшилангиз, ишлабчиқариш технологиясини мукаммаллаштирингиз! Ҳарбир корхонанинг ишлабчиқариш планларини бутун номенклатура бўйича бажариши учун курашингиз! Мамлакатга кўпроқ чўян, пўлат, прокат, рангли металлар берайлик!

26. Машинасозлик корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Янги машиналар, асбоблар ва ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилангиз, корхоналарнинг бир ме'ёрда ишлашига эришингиз! Қишлоқ хўжалигини тракторлар, машиналар ва қуроллар блан та'минлаш учун, запас қисмлар блан узлуксиз та'минлаш учун тинмай курашингиз!

27. Химия саноатининг ходимлари! Корхоналарнинг қувватларини тезроқ кўпайтирингиз ва улардан фойдаланишни яхшилангиз! Мамлакатимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун минерал ўғитлар, юқори сифатли бўёқлар ва бошқа химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўсишини та'минлайлик!

28. Бинокор ишчилар, инженерлар ва техниклар! Янги корхоналарни, уй-жойларни, мактабларни, касалхоналарни, болалар муассасаларини ва маданий муассасаларни тезроқ қурингиз! Қурилишнинг индустриал методларини кенг жорий қилингиз, меҳнатнинг уюштирилишини ва механизмлардан фойдаланишни яхшилангиз! Қурилишнинг қимматини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

29. Бинокорлик материаллари саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Бинокорлик материаллари ишлабчиқаришни ҳамма чоралар блан кўпайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилангиз ва таннарҳини камайтирингиз! Ватанимизнинг қурилишлари учун бинокорлик материалларини кўпроқ берайлик!

30. Урмон ва қоғоз саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Меҳнат унумини оширингиз, ишлабчиқаришнинг ташкил этилишини яхшилангиз, механизмлардан тўла фойдаланингиз! Ёғоч тайёрлаш ва ташиш планининг бажарилишини та'минлайлик, мамлакатга юқори сифатли ёғоч материаллар, қоғоз ва мебельни кўпроқ берайлик!

31. Кенг исте'мол моллари ишлаб чиқарувчи саноатнинг ходимлари! А'ло сифатли ва чиройли газламаларни, а'ло сифатли ва чиройли кийимкечакларни, пишиқ ва нафис пойафзал ҳамда бошқа юқори сифатли молларни кўпроқ ишлаб чиқарингиз! Кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтиришни та'минлайлик!

32. Озиқ-овқат моллари саноатининг ходимлари! Озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни ҳамма чоралар блан кўпайтирингиз, уларнинг сифатини доимо яхшилангиз! Мамлакатимиз аҳолиси учун кўпроқ гўшт ва балиқ маҳсулотлари, ёғ, қанд ва бошқа озиқ-овқат моллари берингиз!

33. Қишлоқ хўжалигининг ходимлари! Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини яқин икки-уч йил ичида етарли миқдорда қондириш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатини хомаш'ё блан та'минлаш учун, социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кучли суратда юксалтириш учун курашингиз! Мамлакатга кўпроқ ғалла, сут, гўшт, жун, пахта, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб берайлик!

34. Колхозчилар! Барча колхозларни илғорлар даражасига кўтаришга эришингиз! Меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз, меҳнатни ташкил қилишни яхшилангиз, прогрессив иш нормаларини қишлоқ хўжалик ишларида астойдил жорий қилингиз, колхозларнинг еридан тўғри фойдаланингиз! Фан ютуқларини ва илғор тажрибани колхоз ишлабчиқаришида кенг жорий қилингиз! Колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашни, колхозларнинг даромадлари ортишини ва колхозчиларнинг фаровонлиги кўтарилишини та'минлайлик!

35. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг асоси бўлган дон хўжалигини янада ривожлантириш учун, барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун курашингиз!

36. Колхозчилар, МТСлар ва совхозларнинг ходимлари! Янги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирингиз! Экин майдонларини кенгайтириш ва дон экинларидан мўл ҳосил олиш учун курашингиз! Мамлакатга қўшимча равишда юз миллион пудлаб ғалла берайлик!

37. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар блан ривожлантирингиз, чорва молларининг сонини тез сур'атлар блан кўпайтиришга эришингиз, чорва молларининг маҳсулдорлигини қат'ий равишда оширингиз! Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш учун курашингиз, чорвачилик биноларини жадаллик блан қурингиз!

38. Машина-трактор станцияларининг ходимлари! Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини бутун чоралар блан ошириш учун, жамоат чорва молларининг сонини кўпайтириш учун, колхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш учун курашингиз! Тракторлардан, комбайнлардан ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан тўла равишда фойдаланишга эришингиз!

39. Совхозларнинг ходимлари! Маҳсулот таннархини камайтиришга, ҳарбир совхознинг рентабель ишлашига зўр бериб эришингиз, ишлабчиқаришни ташкил қилишни ва техникадан фойдаланишни яхшилангиз, далаларнинг ҳосилини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини тинмай оширингиз! Ҳамма совхозларни юксак даражада тараққий қилган намунали товар хўжаликларга айлантирайлик!

40. Колхозчилар, МТСлар ва совхозларнинг ходимлари! Техника экинлари, сабзавот ва картошка етиштиришни тезлик блан кўпайтиришни та'минлангиз! Шу экинларнинг ҳосилини анча оширишга эришингиз, механизацияни ва илғор агротехникани ишлабчиқаришга кенг жорий қилингиз!

41. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясининг ходимлари! Кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва шу молларнинг сифатини оширингиз! Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг шохобчаларини бутун чоралар блан кенгайтирингиз, уларнинг ишларини яхшилангиз!

42. Давлат ва кооператив савдосининг ходимлари! Шаҳар ва қишлоқда совет савдосини бутун чоралар блан авж олдирингиз, магазинларни ва умумий овқатланиш корхоналарини кўпайтирингиз! Аҳолининг талабини ўрганингиз, меҳнаткашларнинг зарур молларга бўлган эҳтиёжларини тўла равишда қондиришга эришингиз! Совет савдоси маданиятини ошириш учун курашингиз!

43. Темир йўл транспорти ходимлари! Халқ хўжалигига юклар ташиб беришни кўпайтириш учун, поездлар қатновининг тезлигини ошириш учун, вагонларнинг бекор туришини камайтириш учун курашингиз! Локомотив ва вагонлардан фойдаланишни яхшилангиз ҳамда юк ташиш таннархини камайтирингиз! Пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз! Темир йўлларнинг пухта, узлуксиз ишлашини та'минлангиз!

44. Денгиз ва дар'ё Флотининг ходимлари! Юк ташиш ҳажмини кўпайтирингиз, кемалар оборотини тезлатингиз, портлар, пристаньлар ва кема ремонти заводларининг ишларини яхшилангиз! Юк ташиш қимматини тинмай камайтирингиз! 1954 йил новигациясини намунали ўтказайлик!

45. Автомобиль транспортининг ва тош йўлларнинг ходимлари! Халқ хўжалиги учун керакли юкларни ва аҳоли учун керакли молларни автотранспорт блан ташиб беришни кўпайтирингиз, пассажирлар ташишни яхшилангиз! Автомобиль транспортидан яхшироқ фойдаланингиз, тош йўлларни намунали ва тартибли ҳолда сақлангиз!

46. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва мукаммаллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио ишларининг сифатини яхшилангиз! Аҳолига яхшироқ хизмат қилингиз!

47. Совет муассасаларининг ходимлари! Давлат аппаратининг ишини тинмай такомиллаштирингиз, бюрократизмни ва сансоларликни қат'ий равишда йўқотингиз! Давлат интизомини мустаҳкамлангиз, социалистик қонунларга қаттиқ риоя қилингиз! Меҳнаткашларнинг талаблари ва эҳтиёжларига сезгирлик блан э'тибор қилингиз!

48. Фан ва техника ходимлари! Совет фанини ва техникасини тараққий этдирингиз! Илмий ишлардаги камчиликлар юзасидан танқидни дадилроқ кучайтирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, Ватанимизнинг янада тараққий қилишини та'минлашда совет фанининг ролини оширингиз! Мутахассислар тайёрлаш ишларини яхшилангиз!

49. Адабиёт ва сан'ат ходимлари! Совет адабиёти ва сан'атини янада ривожлантириш учун курашингиз! Уз ижодингизнинг ғоявий ва бадиий савиясини оширингиз! Улуғ халқимизга муносиб асарлар яратингиз!

50. Халқ маорифи ходимлари! Мактабда ўқув-тарбия ишларининг сифатини оширингиз! Болаларни Совет Ватанига муҳаббат ва садоқат, халқлар ўртасидаги дўстлик руҳида тарбиялангиз! Социалистик жамиятнинг маданий, билимли гражданларини, коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялаб етиштирингиз!

51. Медицина ходимлари! Совет соғлиқни сақлаш ишларини яхшилангиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг ишларидаги маданиятни оширингиз! Медицина фанининг ютуқларини практикага жорий қилингиз!

52. Совет касаба союзлари! Меҳнат унумини ошириш учун, халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! Ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаларини ёйингиз! Ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

53. Совет хотин-қизлари! Халқ хўжалигининг, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, совет халқининг бахти ва саодати учун болаларни тарбиялашдек олижаноб ишда меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришингиз!

Яшасин коммунизмнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

54. Яшасин коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг актив ёрдамчиси ва резерви — Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи!

55. Йигитлар ва қизлар, шонли совет ёшларимиз! Давлат, хўжалик ва маданий қурилишда, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашингиз! Билимларни, илғор фан ва техника муваффақиятларини қунт блан эгаллангиз! Мамлакатимизда коммунизм улуғ ишининг ғалабаси учун курашда саботли ва мард бўлингиз!

56. Пионерлар ва ўқучилар! Билимларни қунт ва сабот блан эгаллангиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда муваффақиятларга эришингиз!

57. Коммунистлар ва комсомоллар! Социалистик саноатимизни янада яшнатиш учун, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун, совет халқининг фаровонлигини тинмай ошириш учун, СССРда коммунизм қуриш учун курашаётганларнинг биринчи сафларида бўлингиз!

58. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва шон-шуҳратининг қал'аси, бутун дун'ёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — Улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

59. Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

60. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

61. Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети*

